



Дилмурадова Клара Равшановна¹, Худайбердиева Шахноза Нормаматовна²

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлигини муҳофаза килиш илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси Самарқанд филиали, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ АПНОЭ НЕДОНОШЕННЫХ

Дилмурадова Клара Равшановна¹, Худайбердиева Шахноза Нормаматовна²

1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Самаркандский филиал государственного учреждения Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра здоровья матери и ребенка, Республика Узбекистан, г. Самарканд

MODERN ASPECTS OF APNEA OF PREMATURE NEWBORNS

Dilmuradova Klara Ravshanovna¹, Khudaiberdieva Shakhnoza Normamatovna²

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Samarkand branch of the State Institution of the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Maternal and Child Health, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: ynofneonatologiya.km@mail.ru

Резюме. Муаллифлар муддатдан олдин туғилған чақалоқлар апноэсіда замонавий муаммолари ва уларни ҳал қилиши іштеп атап бергендердің мәдениеттегі мәжбүрліктерін көрсетеді.

Калит сўзлар: нафас олиш бузилиши, апноэ, апноэны даволаши.

Abstract. The authors presented a literature review of modern problems of apnea of prematurity and ways to solve them.

Key words: respiratory disorders, apnea, treatment of apnea.

Кириш. Тирик организмдаги барча ҳаёттій жарайёнларнинг асоси ҳамма айзо ва тұқымаларни кислород билан таъминлашдан иборат. Туғилгандан сүнг, бу функция янги туғилған чақалоқнинг нафас олиш органдарында қоректенеши, улар ҳаёттінгі биринчи дақикаларидан бошлаб постнатал үзгаришларга учрайди ва янги ҳаёт шароитларига мослашади, яғни улар энг катта стрессни бошдан кечирадилар.

Нафас олиш бузилишлари барча тирик туғилған чақалоқларнинг 1 % да ва вазни 2500 г дан кам бўлган янги туғилған чақалоқларнинг 14 % да учрайди. Эрта туғилған чақалоқларда нафас бузилиш синдроми(НБС)ни даволаш ва бошқариш тактикаси бўйича Европа Консенсусида кўрсатилган: "2010 йил ЕвроНетНет жадвалларига кўра" НБС частотаси муддатдан олдин туғилған чақалоқларда ҳомиладорликнинг 24-25 ҳафтасида - 92 %, 26-27 ҳафталарда - 76 %, 30-31 ҳафталарда - 57% -га teng [3].

Нафас бузилиш синдроми, ЖССТ (2022 йил) маълумотларига кўра, перинатал ўлим структурасида биринчи ўринлардан бирини эгаллади. Муддатдан олдин туғилған чақалоқларда тез-тез учрайди, тўлиқ туғилған чақалоқларда камроқ тарқалган [31]. К. А. Сотникова (1980) "Нафас бузилиш синдроми" атамаси шартли эканлигини тасдиқлайди. Муддатдан олдин

туғилған чақалоқларда нафас олиш бузилишининг энг кенг тарқалган шакли апноэdir [8]. Е.В.Волянюк (2013) маълумотларига кўра, муддатдан олдин туғилған чақалоқларнинг тахминан 25 фойзи туғилишдан кейин 2-3-кунларда ва баъзида биринчи кунида бошланади. Ҳаёттінгі биринчи кунидаги апноэ туғма нуқсонларни ёки марказий асад тизимининг шикастланишини кўрсатиши мумкин. Соғлом туғилған чақалоқда туғилгандан кейин 14-кунида пайдо бўладиган апноэ оғир касалликни (масалан, сепсис) кўрсатиши мумкин ва бу муддатдан олдин туғилған чақалоқлар апноэси деб ҳисобланмаслиги керак [2].

Муддатдан олдин туғилған чақалоқларда апноэ частотаси гестацион ёшининг ўсиши билан камаяди, шунинг учун постконцептуал ёшдан кейинги 43-44 хафтага қадар у муддатда туғилған чақалоқларда апноэ частотаси билан тақосланади. Баъзида апноэ муддатдан олдин туғилған чақалоқларда 37 ҳафтагача йўқолади[4]. Апноэ мекониал аспирация синдромида хам ривожланиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, меконийнинг ўтиш кўрсаткичи 4,5 дан 20% ичидаги ўзгариб ва шифокорларнинг тўғри парваришига ва ҳомиланинг бош ҳолатига қарамай, ўртacha бу кўрсаткич 10% ни ташкил этади. Шундай қилиб, бу жараённинг намоён бўлишининг асосий омили

минтақавий ўзига хослик эканлиги аён бўлди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатади, ушбу синдром учун ўлим кўрсаткичи 2,5% ни ташкил қилади ва янги туғилган чақалоқлар ўлими таркибida дунёда 7-йринни эгаллади [7].

Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси интенсив терапия бўлимларида энг кўп учрайдиган ташхислардан биридир. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда апноэнинг сезиларли даражада юзага келишига қарамай, эрта туғилган чақалоқларда такрорий апноэ, брадикардия ва гипоксемиянинг оқибатлари қанчалик зарарли еканлиги ҳалигача номаълум. Вояга етмаган ҳайвонлар ва муддатдан олдин туғилган чақалоқларда нафас олиш назоратини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэсининг патогенезини ва даволашни тушунишга ёрдам берди.

Бироқ, далилларга асосланган, изчил таърифлар, мониторинг усуслари ва клиник аҳамияти бўйича консенсуснинг йўқлиги амалиётда сезиларли ўзгаришларга олиб келади [15].

Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар (МОТЧА) эрта туғилишнинг кенг тарқалган асорати бўлиб, марказий, обструктив ёки аралаш деб таснифланиши мумкин. Марказий апноэ бу мия стволи нафас олиш марказининг етилмаганлиги туфайли нафас олиш стимулининг йўқлиги ёки етишмовчилиги билан тавсифланади. Обструктив апноэда болада нафас олиш харакатлари бор, лекин (юкори) ҳаво йўли обструкцияси туфайли ўпкага ҳаво кира олмайди. Кўпинча аралаш МОТЧА муддатдан олдин туғилган чақалоқларда учрайди ва марказий ва обструктив апноэнинг комбинацияси билан тавсифланади. Кўпинча муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси кислород десатурацияси ва / ёки брадикардия, прогрессив ўсиш билан бирга келади, ўта чала туғилган чақалоқларда апноэ ҳаётнинг биринчи 4-5 хафтасида содир бўлади ва кейинги ҳафталарда камаяди[6]. Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси марказий нерв системасининг ривожланишдаги бузилишлар ва муддатдан олдин туғилган чақалоқлар ретинопатияси билан боғлиқ [2]. Америкалик Педиатрия Академияси маълумотларига кўра, апноэ бу 20 сония давом этадиган нафас олмасдан, брадикардия ва / ёки цианоз билан кечадиган давр. Ҳомиладорликнинг давомийлиги камайиши билан апноэ даврлари тез-тез учрайди. Аммо апноэ факат муддатдан олдин туғилган чақалоқларда пайдо бўлмасдан баъзи ҳолларда, чақалоқларда гипоксия, метаболик касалликлар, бош мия патологиялари ва инфекциялар кўзғатиши мумкин. [4;10]. Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэсининг аксарият эпизодлари аралаш келиб чиқади, бунда ҳаво оқимининг обструкцияси апноэнинг марказий паузасига олиб келади ёки аксинча [15].

Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси перинатал тиббиётда муҳим муаммо бўлиб, ушбу чала туғилган чақалоқларимизни ўсиш ва ривожланишини таъминлаш учун эҳтиёткорлик билан мониторинг ва бошқарувни талаб қиласди. МОТЧА айниқса, ҳомиладорликнинг 37 хафтасидан олдин туғилган чақалоқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, ҳомиладорлик муддатини кисқартириш ва туғилиш вазнини камайтириш ҳавфини оширади [33]. Деярли барча гестация ёши 28 хафтагача бўлган янги туғилган

чақалоқлар ёки вазни 1000 граммдан кам бўлган барча чақалоқларда апноэ холатлари келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида хабар қилинади. Бу холат одатда чақалок ой куни етилиб бориши билан яхшиланади, аммо муддатдан олдин туғилган чақалоқларда апноэ тўлик муддатга етганидан кейин ҳам давом этиши мумкин. Кўпинча жиддий касалликлар туфайли юзага келадиган муддатида туғилган чақалоқларда апноэдан фарқли ўлароқ, МОТЧА муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг нормал ривожланишининг бир қисми бўлиши мумкин, гарчи у янада жиддий муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатиши мумкин [15]. Гестация ёши қанчалик кичик бўлганлиги туфайли муддатдан олдин туғилган чақалоқлар муддатида туғилган чақалоқларга нисбатан органлар ва тизимларнинг нисбатан етук эмаслиги билан ажralиб туради. Бу уларни перинатал муҳитнинг нокулай шароитларига нисбатан заиф қиласди, бу уларнинг, айниқса мияга зарар етка-зиш ҳавфини олдиндан намоён этади. Шу нуктаи на-зардан, Ражу Т.Н.К. ва бошқаларнинг (2017) изланишлари муддатдан олдин туғилиш билан боғлиқ мураккаб муаммоларни тушуниш ва муддатдан олдинги тугрүк вақтида юзага келиши мумкин бўлган неврологик ва жисмоний бузилишларни минималлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиши қаратилган [28].

МОТЧА муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг 50% дан кўпроғида учрайди ва туғилиш пайтида оғирлиги <1000 г бўлган чақалоқларда деярли ҳаммаларида учрайди. Адабиётлар чақалоқларда клиник жихатдан аҳамиятли апноэларни аниқ белгилайди (нафас олишнинг тўхтаб колиши > 20 сония ёки агар брадикардия ёки кислород десатурацияси билан боғлиқ бўлса, > 10 сония), аммо апноэнинг патологик деб хисобланиши керак кўрсатичлари: давомийлиги ёки кислород билан тўйингланлигининг ўзгариш даражаси, ёки брадикардиянинг оғирлиги бўйича маълумотлар йўқ. Гарчи реанимация бўлимида парвариш қилувчилар апноэ холатларига дори-дармонлар (шунингдек, жисмоний ва механик аралашувлар) билан муваффакиятли жавоб бериши мумкин бўлса-да, бундай аралашувлар узок муддатли таъсири борми ёки йўқлиги исботланмаган[16].

Нафас олиш жараёнларини назорат қилиш механизмларининг етук эмаслиги туфайли апноэ муддатдан олдин туғилган чақалоқларда кенг тарқалган ҳолатдир. Дарҳақиқат, гестацион ёши ва туғилган вақтда тана вазнининг камайиши билан касалланиш кўпаяди, вазни 2500 г дан кам бўлган чақалоқларнинг 25% ва вазни 1000 г дан кам бўлган чақалоқларнинг 80% тақорорий апноэ нафас олиш етишмовчилигига, ўпкадан қон кетишига, юрак фаолиятининг бузилишига ва мияга қон қўйилишлар, асад тизимининг аномал ривожланиши ва ҳатто тўсатдан ўлимга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан эрта ва самарали клиник аралашувлар туфайли муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэ холатларида ногиронлиги ва ўлим даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин [11].

Нафас олишни назорат қилиш механизмларининг етуклиқ даражаси ва клиник симптомларнинг оғирлиги гестацион ёш билан тескари боғлиқдир. Етилмаганликнинг клиник белгилари, брадикардия ёки десатурация ёки қисқа нафас олиш паузалари, вақти-

вақти билан нафас олиш ва вақти-вақти билан гипоксия узок муддатли апноэ сифатида намоён бўлади, муддатдан олдин туғилилган чақалоқлар апноэсининг клиник ташхисига киритилган, аммо ташхис қўйиш учун зарур бўлган минимал мезонлар бўйича критериялар мавжуд эмас [29]. Апноэ нафас олишни назорат қилишнинг энг яхши маълум бўлган симптоматик кўрсаткичидир ва брадикардия ёки десатурация узок давом этган апноэнинг кенг тарқалган оқибатларирид [14]. Аラлаш апноэ обструктив нафас олиш ёки марказий апноэ билан бошланиши мумкин. Обструктив апноэ юқори нафас йўлларининг нерв-мушак назоратининг йўклиги билан боғлиқ, аммо апноэнинг уч хил тури хам мия стволи етуклиги билан боғлиқ [25]. Марказий пауза охирида юқори нафас йўлларининг ўтказувчанлигини йўқотадиган аралаш апноэ интенсив терапия бўлимларида энг кенг тарқалган тури бўлиб, аралаш ёки обструктив ҳодисалар апноэнинг аксарият кисмини ташкил қиласди [13]. Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси перинатологиянинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, потенциал жиддий оқибатларнинг олдини олиш учун эрта ва мақсадли аралашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэ касаллиги гестацион ёшига тескари боғлиқдир: бу ҳомиладорликнинг 34 хафтагача бўлган муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг 85 % да ва гестацион ёши 30 хафтадан кичик бўлган ёки туғилганда вазни 1000 г -дан кам бўлган деярли барча чақалоқларда учрайди, неонатал амалиётда бу муамма га алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди [30].

А.М. Эфендиевнинг ва Н.Т.Керимованинг(2022) тадқиқотлари турли хил генезли нафас олиш бузилишлари синдроми (НОБС) касалликлари бўлган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда ўсиш омиллари, хемокинлар, яллигланиш ва яллигланишга қарши цитокинлар даражасининг киёсий таҳлилини кўриб чиқди. Тадқиқотчилар туғма пневмония билан муддатдан олдин туғилган чақалоқлар, эрта неонатал сепсис ва НОБС билан янги туғилган чақалоқлар ўртасидаги иммунитет реакциясидаги сезиларли фарқларга эътибор беришилар [9].

Назорат қилинмаган ёки давомли муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси чала туғилган чақалоқларда бронх ўпка дисплазияси (БЎД) ва ретинопатиянинг ривожланишига, шунингдек, чақалоқлар ўлими хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Ушбу потенциал қисқа ва узок муддатли оқибатларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш муҳимлигини таъкидлайди [22].

Нафас олиш тизимининг етуклиги билан муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси ўз-ўзидан йўқолиши мумкин бўлса-да, назоратсиз ёки узок давом этадиган апноэ ҳолат бронх ўпка дисплази (БЎД) ва муддатдан олдин туғилган чақалоқлар ретинопатияси каби жиддий асоратларга олиб келиши мумкин. Аниқ биринчи даражали даволаш ёндашуви ва олтин стандартнинг йўклиги апноэни даволаш ва бошқариш учун стандартлаштирилган протоколларни ишлаб чиқиш учун кўшишимча тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди.

Марказий ва периферик нафас олишни назорат қилиш механизmlарига фойда келтирадиган апноэ учун стандарт даволаш кислород ва кофеинни ўз ичига

олади. Респиратор нервларни бошқариш тизимини янада ривожлантириш учун ушбу аралашувлардан эрта фойдаланиш механизми ҳали хам номаълум бўлиб қолмоқда[19]. Кофеин буйраклардаги гломеруляр фильтрация тезлигини оширади ва диуретик таъсирга эга, бу уни маълум клиник ҳолатларда, айниқса сув-туз метаболизмини тартибга солиши зарур бўлганда, фойдали қиласди[20]. Бундан ташқари, муддатдан олдин туғилган ва нафас олиш бузилишларига чалинган ба-бунин моделларида кофеинни қабул қилиш сийдик чиқаришнинг икки баровар кўпайиши билан боғлиқ эди. Юқоридаги таъсири механизмлари биргалиқда неонатал даврда кофеиннинг катаболик таъсирига хисса кўшади ва шу билантана вазнининг ортишига салбий таъсири қиласди [24].

Энг сўнгти тахлиллардан бирида Кохрейн тахлили (2023) 1776 муддатдан олдин туғилган чақалоқни ўз ичига олган 22 та тадқиқотнинг шархи тақдим этилди. Кофеин таъсирида муҳим клиник натижаларни яхшиланиши кўрсатилган, кофеинни бошқа метилксантинлар билан таққослаган бир нечта тадқиқотлар ўлим даражаси, БЎД ва касалхонада қолиш муддати бўйича кам ёки умуман фарқ қилмади [23]. Бошқа метилксантинлар билан солишитирганда кофеиннинг узок муддатли ривожланиш ва ён таъсири ҳакидаги маълумотлар жуда ноаниқ. Кофеин ёки бошқа метилксантинлар муддатдан олдин туғилган чақалоқларда кенг кўлланилса-да, қайси метилксантинни кўллашни танлаш учун тўғридан-тўғри далиллар кам. Айниқса, 28 хафта гестацион ёшдан олдин туғилган ўта кам вазинли чақалоқларда кўпроқ тадқиқотлар талаб этилди [5].

Филипп Р.К. (2018) ва ҳомиладорли бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотга қўра, кофеин цитрат (КЦ) 34 хафталиқдан олдин туғилган чақалоқларнинг тахминан 85 фоизида учрайдиган аорта каналини очиқлигини (АКО) даволаш учун кенг кўлланиладиган метилксантинларидир. Бу 30 йилдан ортиқ вақт давомида АКО-да апноэни фармакологик даволашнинг асосий усули бўлиб келган ва кўпинча муддатдан олдин туғилган чақалоқларга 32-34 хафталик постменструал ёшга етгунга қадар буюрилади. Муаллифлар, шунингдек, муддатидан олдин туғилган чақалоқлар апноэси учун кофеин терапияси бронх ўпка дисплазияси (БЎД) билан касалланиши камайтиришини, жуда кам вазинли (ЖКВ) янги туғилган чақалоқларнинг омон қолиш оширишини ва 18-21 ойлигига нерв-рухий ривожланиш касалликлари бўлмаганлигини кўрсатишиди.

Е. Е. Williams ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда кофеин цитратининг юклангандозасини томир ичига юборишдан кейин гестацион ёши 34 хафтадан кам бўлган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда диафрагманинг электр фаоллигининг қисқа муддатли ўсиши ва нафас олиш функциясининг фаоллашиши (20-чи дақиқасида вентиляциянингミニутлик ҳажмининг ошиши содир бўлган ($p=0,034$) ва энг юқори нафас олиш босимининг пасайиши (НОБ) ($p=0,049$) [32].

Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар учун кофеиннинг оптималь дозаси ҳозирги кунда етарлича ўрганилмаган. Muhammad S. ва бошқалар (2015) муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси ва сунний ўпка вентиляцияси (СЎВ) қилинган муддатдан олдин туғилган чақалоқларни муваффақиятли экстубация

қилиш учун юқори ва паст дозаларда кофеин цитратининг самарадорлиги ва хавфсизлигини солиштиришга харакат килишиди. Муддатдан олдин туғилган чақалоқларда юқори дозада (40 мг/кг / кун юклама дозаси ва 20 мг/кг/кун кўллантирувчи дозаси) ва паст дозада (20 мг/кг / кун юклама ва 10 мг/кг /кун кўллантирувчи дозаси) кофеин цитрат солиширилди. Текширувдан ўтган муддатдан олдин туғилган чақалоқлар <32 ҳафталик гестацион ёши ва муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси ҳаётнинг дастлабки 10 кунида аниқланди. Жами 120 та янги туғилган чақалоқ (хар бир гуруҳда 60 тадан) киритилган. Кофеиннинг юқори дозалари кўлланиши СЎВ қилинган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда ($p<0,05$), апноэ тезлигига ($p<0,001$) ва хужжатлаштирилган апноэ кунларининг сонида ($p<0,001$) экстубация етишмовчилигининг сезиларли даражада пасайиши билан боғлиқ эди. Кофеиннинг юқори дозалари тахикардия эпизодлари сонининг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқ ($p<0,05$), шифокорнинг кофеиндан воз кечиши қарорига сезиларли таъсир кўрсатмаган. Муаллифлар кофеиннинг жорий стандарт дозасидан юқорироқ фойдаланиш СЎВ қилинган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда экстубация етишмовчилиги эҳтимолини ва сезиларли ножӯя таъсирларсиз МОТЧА касаллигини камайтириши мумкин деган хulosага келишиди [21].

МОТЧА-нинг замонавий даволаш терапияси ҳали ҳам жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Оптималь дозалаш режими, терапия вакти ва давомийлиги, терапевтик дори мониторинги зарурити ва муддатдан олдин туғилган чақалоқларда кофеинни кўллашнинг турили клиник натижалари ҳали ҳам мунозаралилигича бўлиб қолмоқда [29]. Шу билан бирга, муддатдан олдин туғилган чақалоқларда кофеинни клиник кўллаш билан боғлиқ муаммолар, айниқса, сунъий интеллект, башоратли моделлаштириш ва машинани ўрганиш каби бир қанча инновацион тадқиқот технологияларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотларнинг давом этиши туғайли кенг муҳокама қилингани таъсирли. [12; 18]. Қизиги шундаки, ушбу тадқиқотларда бир нечта янги топилмалар оптималь бошлангич дозани аниқлаш, сақловчи дозасини мослаштириш, клиник қарорларни қабул килишни яхшилаш ва кейин бу мураккаб масалалар бўйича консенсусни тарғиб қилиш учун қимматли ҳаволалар беради [20;12].

Prakash R. ва бошқаларнинг (2021) тасодифий тадқиқотлари баъзи муддатдан олдин туғилган чақалоқлар гурухларда постменструал ёш 34 ҳафтагача кофеин терапиясини мажбурий давом эттириш такрорий апноэ хавфини камайтиrmайди деган хulosага қилишига имкон берди. Терапияни качон тўхтатиш бўйича аниқ тавсиялар бериш учун чуқур чалалик билан туғилган чақалоқларни ўрганадиган каттароқ тадқиқотлар талаб қилинади [27].

Такрорланадиган апноэни кофеин цитрат билан даволаш пайтида терапевтик таъсир бўлмаса, препаратнинг "кўллантирувчи" дозасини кунига 10 мг/кг гача, 2 дозага бўлинган ҳолда 12 соатлик интервали билан оширишга рухсат берилади [1]. Guo H.L. ҳаммуалифлар билан (2022) инсоннинг циркадлик мотор цикл генидаги полиморфизмлар муддатдан олдин туғилган чақалоқларда кофеин цитрат терапиясига жавоб беришда рол ўйнайди деган гипотезани синааб кўришиди. Шунингдек, улар кофеин цитратини олган

муддатдан олдин туғилган чақалоқларда циркад соатнинг арилуглевород рецепторлари (AHR) сигнализация йўллари билан ўзаро таъсирини ўрганишиди[15; 17]. Кофеинни томир ичига эрта юбориш (ҳаётнинг 2 кунида бошлаб) муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэсини даволашнинг самарави стратегиясидир. Бироқ, оғиз орқали кофеинни эрта юборишнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги тўлиқ аниқланмаган. Yun.W.Z ва ҳаммуалифлари (2022) "Кофеин при апноэ у недоношенных" тадқиқотида эрта кофеин терапияси (ҳаётнинг 2 кунида бошланган) кеч кофеин терапиясига (ҳаётнинг 3-кунида бошланган) нисбатан сунний ўпка вентиляцияси ва мусбат босимли интубация эпизодларидан камроқ фойдаланиш мумкин деган хulosага келишиди [34].

Шундай қилиб, МОТЧА перинатологияда энг кенг тарқалган ташхислардан бири хисобланади, айниқса, туғилиш вазни 1000 граммдан кам бўлган болалар орасида. Бу холат юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдин олиш учун эрта аниқлаш ва фаол даволаш зарурлигини таъкидлайди. Муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэси диагностика, даволаш ва даволашда мултидисциплинар ёндашувни талаб киласиган мураккаб холат. Апноэни эрта аниқлаш, даволаш усууларини оптималлаштириш ва узоқ муддатли оқибатларини баҳолашга эътиборни кучайтириш беморларнинг ушбу заиф гурухи учун натижаларни яхшилашга, перинатал ва чақалоқлар ўлимини камайтиришга ёрдам беради. Кофеин цитратидан муддатдан олдин туғилган чақалоқлар апноэсида фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга қарамай, уни эрта туғилган чақалоқларда кўллаш учун ҳали ҳам олтин стандарт мавжуд эмас. Янги туғилган чақалоқларда апноэ муаммоси долзарб бўлиб, кейинги тадқиқотларни талаб киласиган.

Адабиётлар:

1. Ахапкина Е. С. и др. Апноэ недоношенных (проект клинических рекомендаций) //Неонатология: Новости. Мнения. Обучение. – 2023. – Т. 11. – №. 4 (42). – С. 53-67.
2. Волянюк Е.В. Комплексная реабилитация недоношенных детей на первом году жизни. Вестник современной клинической медицины. 2013, т.6, вып.6,с.58-62.
3. Кокорина В.С., Лалаева Л.Р., Фомичев М.В., Шведов К.С. Синдром дыхательных расстройств новорожденных: результаты проводимой профилактики. Смоленский альманах. 2018. С.162-163.
4. Ленчевский Г.Л., Головко О.К., Есакова О.Р. Современные взгляды на апноэ недоношенных. Университетская клиника. 2017. № 4-2(25). С.100-102.
5. Леноюшкина А.А., Андреев А.В., Шарафутдинова Д.Р., Крог-Йенсен О.А. Кофеина цитрат в неонатологии: история применения, особенности фармакодинамики и фармакокинетики, клинические эффекты, режимы дозирования (обзор литературы) // Неонатология: новости, мнения, обучение. 2023. Т. 11, № 1. С. 76–82. DOI: <https://doi.org/10.33029/2308-2402-2023-11-1-76-82>
6. Мартин Р.Дж., Ван К., Короглу О., Ди Фиоре Дж., Прабха К.К.: Периодические эпизоды гипоксии у недоношенных детей: имеют ли они значение? Неонатология 2011;100:303-310.]

7. Рахматова, М., Нугманова, У., Кушаева, Д., Толипов, Р., & Пулатов, А. (2022). Особенности течения синдрома аспирации мекония . Медицина и инновации, 1(3), 289–298. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/medicine_and_innovations/article/view/178.
8. Сотникова К.А. Современное состояние проблемы синдрома новорожденных. М.: Медицина; 1980.
9. Эфендиев А.М., Керимова Н.Т. Клиническая информативность цитокинов при оценке тяжести сепсиса //Российский педиатрический журнал.-2022.-т.3-№1.-с.360:2016;6(1):45-54.
10. Amir-Mohammad Armanian, Ramin Iranpour, Eiman Faghidian, Nima Salehimehr. – Caffeine Administration to Prevent Apnea in Very Premature Infants. 409ст, 2016].
11. Chen J. et al. Efficacy and safety of different maintenance doses of caffeine citrate for treatment of apnea in premature infants: a systematic review and meta-analysis //BioMed research international. – 2018. – Т. 2018.]
12. Dai H. R. et al. Precision caffeine therapy for apnea of prematurity and circadian rhythms: New possibilities open up //Frontiers in Pharmacology. – 2022. – Т. 13. – С. 1053210
13. Di Fiore J. M., Martin R. J., Gauda E. B. Apnea of prematurity—perfect storm //Respiratory physiology & neurobiology. – 2013. – Т. 189. – №. 2. – С. 213-222.]
14. Di Fiore J. M. et al. Cardiorespiratory events in preterm infants: etiology and monitoring technologies //Journal of Perinatology. – 2016. – Т. 36. – №. 3. – С. 165-171.
15. Eichenwald E. C. et al. Apnea of prematurity //Pediatrics. – 2016. – Т. 137. – №. 1
16. Finer N. N. et al. Summary proceedings from the apnea-of-prematurity group //Pediatrics. – 2006. – Т. 117. – №. Supplement_1. – С. S47-S51.]
17. Guo H. L. et al. Caffeine therapy for apnea of prematurity: Role of the circadian CLOCK gene polymorphism //Frontiers in Pharmacology. – 2022. – Т. 12. – С. 724145
18. Kua K.P., Lee S.W.H. Systematic review and meta-analyses of clinical outcomes of early caffeine therapy in preterm neonates //British journal of clinical pharmacology. -2017.-Т.83/-N1.-pp.180-191.
19. Mitchell L., MacFarlane P. M. Mechanistic actions of oxygen and methylxanthines on respiratory neural control and for the treatment of neonatal apnea //Respiratory physiology & neurobiology. – 2020. – Т. 273. – С. 103318.]
20. Mochino L., Zivanovich S., Hartley C. et al. Caffeine in preterm infants : where are we in 2020? /ERJ Open REs. 2020;6:00330-2019
21. Mohammed S. et al. High versus low-dose caffeine for apnea of prematurity: a randomized controlled trial //European journal of pediatrics. – 2015. – Т. 174. – С. 949-956.
22. Montenegro B. L. et al. Economics of home monitoring for apnea in late preterm infants //Respiratory care. – 2017. – Т. 62. – №. 1. – С. 42-48.]
23. Moresco L., Sjögren A., Marques K.A., Soll R., Bruschettini M. Caffeine versus other methylxanthines for the prevention and treatment of apnea in preterm infants. Cochrane Database Syst Rev. 2023; 10 (10): CD015462.
24. Philip R. K. et al. Caffeine treatment for apnea of prematurity and the influence on dose-dependent postnatal weight gain observed over 15 years //Journal of Caffeine and Adenosine Research. – 2018. – Т. 8. – №. 3. – С. 99-106.
25. Poets C. F. Apnea of prematurity: What can observational studies tell us about pathophysiology? //Sleep medicine. – 2010. – Т. 11. – №. 7. – С. 701-707.
26. Poets CF, Roberts RS, Schmidt B, Whit RK, Asztalos EV, Bader D, Bairam A, Moddemann D, Peliowski A, Rabi Y, Solimano A, Nelson H: Связь между периодической гипоксемией или брадикардией и поздней смертью или инвалидностью у крайне недоношенных детей младенцы. ДЖАМА 2015;314:595-603.
27. Prakash R. et al. Duration of Caffeine for Apnea of Prematurity—A Randomized Controlled Trial //The Indian Journal of Pediatrics. – 2021. – С. 1-6.
28. Raju T.N.K. et al. Adults born preterm: a review of general health and system-specific outcomes. //Acta Paediatrica. -2017.-Т.106.-N.9.-pp.1409-1437
29. Saroha V., Patel R.M., Caffeine for preterm infants: Fixed standard dose, adjustments for age or high dose? //Seminars in Fetal and Neonatal Medicine.-WB Saunders, 2020.-т.25.-N6.-pp.101178.
30. Seppä-Moilanen M., Andersson S., Kirjavainen T. Spontaneous and apnea arousals from sleep in preterm infants //Pediatric research. – 2021. – Т. 89. – №. 5. – С. 1261-1267.]
31. Who recommendations for care of the preterm or low-birth-weight infant. Geneva:World Health Organization: 2022:ISBN-13: 978-92-4-005826-2ISBN-13:978-92-4-005827-9
32. Williams E.E., Hunt K.A., Jeyakara J., Subba-Rao R., Dassios T., Greenough A. Electrical activity of the diaphragm following a loading dose of caffeine citrate in ventilated preterm infants. Pediatr Res. 2020; 87 (4): 740–4.
33. Williamson J. R., Bliss D. W., Paydarfar D. Forecasting respiratory collapse: theory and practice for averting life-threatening infant apneas //Respiratory physiology & neurobiology. – 2013. – Т. 189. – №. 2. – С. 223-231.]
34. Yun W. Z. et al. Effectiveness and safety of early versus late caffeine therapy in managing apnoea of prematurity among preterm infants: a retrospective cohort study //International Journal of Clinical Pharmacy. – 2022. – Т. 44. – №. 5. – С. 1140-1148.

СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ АПНОЭ НEDОНОШЕННЫХ

Дилмурадова К.Р., Худайбердиева Ш.Н.

Резюме. Авторами представлен литературный обзор современных проблем апноэ недоношенных и пути их решения.

Ключевые слова: дыхательные нарушения, апноэ, лечение апноэ.